



2020 yil "ok" aprebr

№ 63-к

Jomboytuman

Жомбой туманидаги Галакапа кўчаси "Жомбой дехкон бозори" худуди атрофидан 2 қаватли замонавий савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун фуқаро Маматов Анваржон Бахтиёровичга 270,0 кв.м ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сонли қарорига асосан Жомбой туман Галакапа кўчасида жойлашган "Жомбой дехкон бозори" худудида 2 қаватли замонавий савдо мажмуаси қурилиши муносабати билан фуқаро Маматов Анваржон Бахтиёровичга тегишли 253,65 кв.м ер майдонидаги савдо дўконлари бузилишга тушганлиги сабабли етказилган зарарни қоплаш мақсадида қўшимча 16,35 кв.м ер майдони бириктирилган ҳолда Галакапа кўчаси "Жомбой дехкон бозори" худуди атрофида жойлашган туман захирасида бўлган ер майдонида Маматов Анваржон Бахтиёровичга 2 қаватли савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун 270,0 кв.м ер майдон ажратиш ва танлаш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиясининг далолатномасини ва тўпланган тегишли ҳужжатларни кўриб чиқиб, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 ноябрдаги 911-сонли қарорига асосан фуқаро Маматов Анваржон Бахтиёровичнинг аризасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

- 1.Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг 2019 йил 30 ноябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.
- 2.Жомбой тумани Галакапа кўчаси "Жомбой дехкон бозори" худуди атрофидан 2 қаватли замонавий савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун фуқаро Маматов Анваржон Бахтиёровичга 270,0 кв.м ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
- 3.Фуқаро Маматов Анваржон Бахтиёровичга 2 қаватли савдо ва маиший хизмат биноси қуриш учун замонавий архитектура, шаҳарсозлик ва қурилиш метъёрларига мос равишда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлатиш ва тегишли ҳужжатларни архитектура бўлимидан рўйхатдан ўтказдириш вазифаси юклатилсин.
- 4.Туман бош архитектори И.Рашидовга савдо ва маиший хизмат биносини тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларига асосан қурилиши устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилсин.
- 5.Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Жомбой туман филиали бошлиғи И.Рахимовга 270,0 кв.м. ер майдонини жойида натурада ўлчаб бериш вазифаси юклатилсин.
- 6.Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан экология экспертиза худосаси олингандан сўнг қурилиш ишларини бошлаш белгилаб қўйилсин.
- 7.Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.Ҳамраев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Х.Туйчиев